O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG‘ONA VILOYATI
O‘ZBEKISTON TUMANI
HOKIMINING
**Q A R O R I**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
**П О С Т А Н О В Л Е Н И Е**
ХОКИМА
УЗБЕКИСТАНСКОГО РАЙОНА
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

2019 yil “30” сентябрь № 5480

***Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикасининг 01.05.1998 йилдаги “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” ги Қонуни(*Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 17.10.2018 й., 03/18/501/2056-сон, 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон*)нинг 17-моддасига ва Ўзбекистон Республикасининг 11.07.2008 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун(*Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон*)ларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабр кунидаги «Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 965-сонли Қарори(*Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2017 й., 09/17/965/0393-сон)*га асосан туманда ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларни 2020 йилда ишга жойлаштириш учун иш жойларини энг кам миқдорини белгилаш, қўшимча иш жойлари яратиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш мақсадида

**Қ А Р О Р  Қ И Л А М А Н :**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги **“Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги 965-сонли Қарорига ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ **ташкилотлар - иш берувчиларга** ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар (кейинги ўринларда мухтожлар

деб аталади)ни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини заҳирага қўйиш мажбурияти юклангалиги раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин;

**2.** Туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам микдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби **1-илова**га мувофиқ, "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ корхоналар ва ташкилотлар рўйхати **2-илова**га асосан тасдиқлансин;

**3.** "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ туманда мавжуд корхона ва ташкилотлар ходимларнинг рўйхати бўйича ўртача сонининг 5,8 фоиз микдорида яъни 553 нафарни ташкил этади, шу жумладан:

ёлғиз ота, ёлғиз она ҳамда 14 ёшгача ва ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун 1,5 фоиз (84 киши);

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун 6 фоиз (307 киши);

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 0,1 фоиз (62 киши);

ногиронлар учун 0,7 фоиз (40 киши);

Бандликка кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар 0,1 фоиз (60 киши);

**4.** Ушбу тоифа шахслар учун иш ўринлари ходимлар томонидан ўзларининг меҳнат мажбуриятларини тўсиқларсиз бажаришини таъминлайдиган санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқ бўлиши лозим, шу жумладан;

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун - болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун - уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун - уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун - меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

туман Ахоли бандлигига кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида

ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун - махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун - уларнинг касб бўйича тайёргарлиги ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-ҳунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун-махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари.

**5.** Иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар:

ҳисобчи, ўқитувчи, ҳамшира, шифокор, ҳайдовчи, компьютер оператори, тикувчи, ҳуқуқшунос, ходимлар ишлари бўйича инспектор, иктисодчи, менеджер, ишчи, электрик, чилангар, сартарош, боғбон, фаррош.

**6.** Тумандаги мавжуд корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарларига:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида"ги Низомнинг 2-иловасига мувофиқ муҳтожлар учун захирага қўйилган корхона ва ташкилотлари (кейинги ўринларда иш берувчилар деб аталади):

- йил бошланишидан олдин 10 кундан кечиктирмай муҳтожларни ишга жойлаштириш учун захирага қўйиладиган иш ўринлари умумий сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи микдорида иш ўринлари захирага қўйилиши ва тайёрлигини таъминлаш, шунингдек бу ҳақида туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига ахборот беришлари;

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларининг қолган қисмини банд қилиб қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминлаш, бу тўғрисида туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига биринчи чорак тугагандан сўнг ўн кундан кечикмай ахборот бериш;

ҳар ойда туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига юқорида кўрсатилган тоифадаги шахсларнинг ишга жойлаштирилиши тўғрисида ахборот тақдим этиш вазифаси юклатилсин;

**7.** Банд қилиб қўйилган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг тайёрлиги тўғрисидаги ахборотни ташкилот томонидан тақдим этилмаганлигига ҳам ва амалда уларнинг тайёр эмаслигига ҳам меҳнат органи томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарорининг бажарилмаганлиги, сифатида қараши лозимлиги қайд этилсин;

**8.** Мазкур қарор бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби

тўғрисида”ги Низомнинг 21-бандига мувофиқ жарима солиниши кўрсатиб ўтилсин;

**9.** Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 19-2019-Б сонли буйруғига (АВ рўйхат рақами №3163, 31 март 2019 йил) мувофиқ, ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам иш ўрнидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга - режадан ортиқ қабул қилинган ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида субсидия тўлаб берилиши инобатга олинсин;

**10.** Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (Ш. Мирзакбаров) беш кун муддатда ушбу Қарорни иловада кўрсатилган ташкилот раҳбарлари эътиборига етказсин ва ушбу Қарорнинг бажарилиши устидан назоратни таъминласин;

**11.** “Яйпан овози” газетаси таҳририяти (К.Шерматов), Ўзбекистон туман ҳокимлигининг Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мутахассиси (Я.Солиев) мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва ҳокимлик веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин;

**12.** Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради;

**13.** Ушбу қарорнинг бажарилиши юзасидан назорат туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М. Сатторов зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими** **Қ. Джураев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI O'ZBEKISTON TUMAN HOKIMLIGI
BAYON QISMI

**Туман ҳокимининг 2019 йил “30” сентябрдаги 5480 - сонли қарорига 1-илова**

*Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш ҳамда уларга қўйиладиган талабларни аниқлаш бўйича*

## КОМИССИЯ ТАРКИБИ

**Комиссия раиси:**

**М. Сатторов** - Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари

**Комиссия аъзолари:**

**М. Камолова** - Туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси, туман ҳокимининг ўринбосари

**Ш. Мирзакбаров** - Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори комиссия котиби

**О. Тусматов** - Туман Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

**Н. Нишонова** - Туман Халқ таълими бўлими мудири

**Х. Қўзиева** - Туман Мактабгача таълим бўлими мудири

*Изоҳ:* ***Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг ўрнига шу вазифага тайинланган ёки тегишлича функцияларни бажариш юклатилган шахслар комиссия аъзоси ҳисобланади.***

Ўзбекистон туман ҳокимининг
"30" сентябр 2019 йилдаги
5480-сонли қарорига
2-илова

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI O'ZBEKISTON TUMAN HOKIMLIGI * BAYON QISMI

**Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ корхоналар ва ташкилотлар руйхати.**

| № | Ижтимоий мухофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини белгилаш таклиф этилаётган корхона ва ташкилотлар рўйхати (корхона ва ташкилотларнинг номи) | МАНЗИЛИ | Штат жадвали бўйича ходимларининг умумий сони | Келгуси йилга захирага қўйиш таклиф этилаётган иш ўринлари сони | шу жумладан: | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун банд қилинган иш ўринлари сони | Умумий ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд қилинган иш ўринлари сони | Сафарбарлик чақириқ захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли харбий хизматдан бўшатилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони | Ногиронлиги бўлган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони | Пенсия олди ёшидаги шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони | Жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони | Одам савдоси қурбонлари учун банд қилинган иш ўринлари сони |
| 1 | Ўзбекистон туман давлат ветеринария булими | Кумбости | 29 | 2 | 0 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 2 | Ўзбекистон туман давлат санитария эпидимиология назорати | Яйпан | 84 | 5 | 1 | 2 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 3 | Халк таълими булими | Яйпан | 34 | 3 | 1 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 4 | Маданият ишлари булими | Яйпан | 56 | 4 | 1 | 2 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 5 | Кудаш мурувват уйи | Кудаш | 205 | 8 | 2 | 3 | 2 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 6 | Ободонлаштириш бошкармаси | Яйпан | 250 | 11 | 2 | 5 | 2 | 0 | 2 | 0 | 0 |
| 7 | Туман тиббиёт бирлашмаси | Конизар | 3018 | 102 | 20 | 60 | 12 | 6 | 4 | 0 | 0 |
| 8 | Вилоят силга карши кураш санаторийси | Укчи | 135 | 8 | 1 | 5 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 9 | Ўзбекистон туман йул булими | Кумбости | 58 | 3 | 0 | 1 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 10 | Ўзбекистон туман Давлат Солик инспекцияси | Конизар | 65 | 5 | 1 | 2 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 11 | Болалар ва усмирлар спорт мактаби | Яйпан | 74 | 5 | 0 | 3 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 12 | Бюжетдан ташкари пенсия Ўзбекистон туман булими | Яйпан | 25 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 13 | Ўзбекистон туман электр таъминоти | Яйпан | 36 | 3 | 0 | 1 | 0 | 1 | 1 | 0 | 0 |
| 14 | Ўзбекистон туман водийгаз таъминоти | Яйпан | 59 | 4 | 0 | 2 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 15 | Ўзбекистон туман почта алока тармоги | Яйпан | 85 | 6 | 1 | 3 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 16 | Ўзбекистон ер мулк кадастр | Яйпан | 24 | 2 | 0 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 17 | Ўзбекистон туман Агробанк | Яйпан | 35 | 3 | 0 | 2 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 18 | Ўзбекистон туман Халк банки | Яйпан | 65 | 6 | 0 | 3 | 1 | 1 | 1 | 0 | 0 |
| 19 | 49-мактаб | Яйпан | 115 | 8 | 1 | 5 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 20 | 27-мактаб | Тогай | 46 | 4 | 0 | 2 | 0 | 1 | 1 | 0 | 0 |
| 21 | 26-мактаб | Нурсух | 117 | 8 | 1 | 5 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 22 | 22-мактаб | Пасткикурик | 73 | 4 | 1 | 3 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 23 | 24-мактаб | Яйпан | 106 | 7 | 1 | 4 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 24 | 21-мактаб | Кулибек | 88 | 6 | 1 | 4 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 25 | 8-мактаб | Каримдевона | 106 | 7 | 1 | 4 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 26 | 20-мактаб | кушкунок | 82 | 6 | 1 | 3 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 27 | 2-мактаб | Нурсух | 95 | 6 | 1 | 4 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 28 | 1-мактаб | Яйпан | 118 | 7 | 1 | 5 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 29 | 57-мактаб | Қоратепа | 80 | 6 | 1 | 3 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 30 | 29-мактаб | Товуш | 70 | 7 | 1 | 3 | 1 | 1 | 1 | 0 | 0 |
| 31 | 10-мактаб | Какир | 78 | 6 | 1 | 3 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 32 | 18-мактаб | Яккатут | 80 | 6 | 1 | 3 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |

| № | Ижтимоий мухофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини белгилаш таклиф этилаётган корхона ва ташкилотлар рўйхати (корхона ва ташкилотларнинг номи) | МАНЗИЛИ | Штат жадвали бўйича ходимлар инининг умумий сони | Келгуси йилга захирага қўйиш таклиф этилаётган иш ўринлари сони | шу жумладан: | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлгиз ва кўп болали ота-оналар учун банд қилинган иш ўринлари сони | Умумий ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларнинг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд қилинган иш ўринлари сони | Сафарбарлик чақирик захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли харбий хизматдан бўшатилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони | Ногиронлиги бўлган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони | Пенсия олди ёшидаги шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони | Жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони | Одам савдоси қурбонлари учун банд қилинган иш ўринлари сони |
| 33 | 33-мактаб | Мингтут | 85 | 6 | 1 | 3 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 34 | 6-мактаб | Кичик тагоб | 70 | 5 | 1 | 3 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 35 | 7-маткаб | Ислом | 70 | 5 | 1 | 3 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 36 | 17-мактаб | Укчи | 132 | 8 | 1 | 5 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 37 | 19-мактаб | Дехконобод | 68 | 5 | 1 | 3 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 38 | 25-мактаб | Урта кишлок | 61 | 4 | 1 | 2 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 39 | 48-мактаб | Охтатагоб | 60 | 6 | 1 | 2 | 1 | 1 | 1 | 0 | 0 |
| 40 | 11-мактаб | Бустон | 45 | 5 | 1 | 2 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 41 | 3-мактаб | Кудаш | 62 | 4 | 0 | 2 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 42 | 16-мактаб | Кирккетмон | 70 | 5 | 1 | 2 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 43 | 30-мактаб | Кулэлаш | 60 | 4 | 0 | 3 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 44 | 36-мактаб | Туюл | 54 | 3 | 0 | 2 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 45 | 9-мактаб | Шурсув | 42 | 4 | 0 | 3 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 46 | 14-мактаб | Худоерхон | 40 | 4 | 0 | 3 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 47 | 34-мактаб | Дастурхончи | 36 | 3 | 0 | 2 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 48 | 43-мактаб | Катагон | 42 | 3 | 0 | 2 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 49 | 46-мактаб | Хайдаробод | 58 | 4 | 1 | 2 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 50 | 51-мактаб | Обод к | 59 | 6 | 1 | 2 | 1 | 1 | 1 | 0 | 0 |
| 51 | 13-мактаб | Дащтчулпон | 80 | 6 | 1 | 3 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 52 | 31-мактаб | Жангир | 43 | 4 | 1 | 2 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 53 | 37-мактаб | Каттатагоб | 76 | 6 | 1 | 3 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 54 | 4-мактаб | Кайкуобод | 47 | 3 | 1 | 2 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 55 | 12-мактаб | Ражабгарди | 52 | 3 | 0 | 2 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 56 | 15-мактаб | Кораезбобо | 82 | 6 | 0 | 3 | 1 | 0 | 2 | 0 | 0 |
| 57 | 23-мактаб | Дарвешобод | 52 | 3 | 0 | 2 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 58 | 35-мактаб | Жаманжар | 43 | 4 | 1 | 2 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 59 | 39-мактаб | Дунгсарой | 44 | 4 | 1 | 2 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 60 | 38-мактаб | Ганикишлок | 35 | 3 | 1 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 61 | 40-мактаб | Катта кайнар | 50 | 3 | 0 | 2 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 62 | 41-мактаб | Кози кузот | 24 | 2 | 0 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 63 | 42-мактаб | Туптол | 44 | 4 | 1 | 2 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 64 | 45-мактаб | Кумбости | 58 | 4 | 0 | 2 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 65 | 47-мактаб | Сочтепа | 55 | 4 | 0 | 2 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 66 | 50-мактаб | Охмачит | 85 | 6 | 1 | 3 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 67 | 52-мактаб | Бегобод | 50 | 3 | 0 | 2 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 68 | 53-мактаб | Сулаймон | 40 | 4 | 1 | 2 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 69 | 58-мактаб | Туманботир | 40 | 4 | 1 | 2 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 70 | 59-мактаб | Зинаша | 44 | 4 | 1 | 2 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 71 | 63-мактаб | Жумавойчек | 37 | 4 | 1 | 2 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 72 | 60-мактаб | Телов кашкар | 36 | 4 | 1 | 1 | 0 | 1 | 1 | 0 | 0 |
| 73 | 32-мактаб | Авгон | 44 | 4 | 1 | 2 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 74 | 56-мактаб | Охункайнар | 42 | 4 | 0 | 2 | 0 | 1 | 1 | 0 | 0 |
| 75 | 61-мактаб | Қудаш | 43 | 4 | 0 | 2 | 0 | 1 | 1 | 0 | 0 |
| 76 | 62-мактаб | Пахтабустон | 50 | 3 | 0 | 2 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 77 | 55-мактаб | Қизилбог | 50 | 3 | 0 | 2 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 78 | 44-мактаб | Навбахор | 44 | 4 | 1 | 2 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 79 | 28-мактаб | Янги хает | 40 | 4 | 0 | 2 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 80 | 5-мактаб | Шуркишлок | 45 | 5 | 1 | 2 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 81 | 64-мактаб | Хотамтой | 40 | 4 | 1 | 2 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 82 | 65-мактаб | Яйпан | 66 | 5 | 0 | 3 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 83 | 67-мактаб | Учбулак | 50 | 3 | 0 | 2 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 84 | 66-мактаб интернат | Нурсух | 48 | 5 | 1 | 2 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 |

| № | Ижтимоий мухофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини белгилаш таклиф этилаётган корхона ва ташкилотлар рўйхати (корхона ва ташкилотларнинг номи) | МАНЗИЛИ | Штат жадвали бўйича ходимлар нинг умумий сони | Келгуси йилга захирага қўйиш таклиф этилаётган иш ўринлари сони | шу жумладан: | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун банд қилинган иш ўринлари сони | Умумий ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд қилинган иш ўринлари сони | Сафарбарлик чақириқ захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли харбий хизматдан бўшатилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони | Ногиронлиги бўлган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони | Пенсия олди ёшидаги шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони | Жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони | Одам савдоси қурбонлари учун банд қилинган иш ўринлари сони |
| 85 | 23-мусика мактаби | Яйпан | 68 | 5 | 0 | 3 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 86 | 3-МТМ | Яйпан | 48 | 3 | 1 | 2 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 87 | 1-МТМ | Яйпан | 34 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 88 | 2-МТМ | Яйпан | 25 | 2 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 89 | 4-МТМ | Яйпан | 40 | 3 | 1 | 2 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 90 | 8-МТМ | Яйпан | 42 | 3 | 1 | 2 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 91 | 9-МТМ | Яккатут | 39 | 3 | 1 | 2 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 92 | 11-МТМ | Яйпан | 31 | 2 | 0 | 2 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 93 | 15- МТМ | Нурсух | 41 | 2 | 0 | 2 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 94 | 16-МТМ | Элаш | 37 | 3 | 0 | 2 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 95 | 30-МТМ | Даштчулпон | 90 | 6 | 0 | 4 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 96 | 31-МТМ | Кушкунок | 32 | 2 | 0 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 97 | 34-МТМ | Какир | 31 | 2 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 98 | 37-МТМ | Даштхасан | 27 | 2 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 99 | 20-МТМ | Тогай | 27 | 2 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 100 | 22-МТМ | Мингтут | 25 | 2 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 101 | 28-МТМ | Кулибек | 30 | 2 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 102 | 36-МТМ | Хайдаробод | 25 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 103 | 42-МТМ | Окмачит | 26 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 104 | 43-МТМ | Туюл | 25 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 105 | 26-МТМ | Ражабгарди | 26 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 106 | 7-МТМ | Укчи | 58 | 4 | 0 | 2 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 107 | 17-МТМ | Қумбости | 25 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 108 | 23-МТМ | Кум | 26 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 109 | 38-МТМ | Қизилбог | 32 | 2 | 0 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 110 | 13-МТМ | Катта Тагоб | 35 | 2 | 0 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 111 | 35-МТМ | Кичик Тагоб | 24 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 112 | 27-МТМ | Нурсух | 25 | 2 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 113 | 12-МТМ | Каримдевона | 35 | 2 | 0 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| | Жами : | | 9413 | 553 | 84 | 307 | 62 | 40 | 60 | 0 | 0 |